

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: ТЕХНИКУМ ЎҚУВЧИСИГА ЁРДАМЧИМИ? ЁКИ РАҚОБАТЧИ

*Бешарик тумани 1-сон техникуми
рус тили фани уқитувчиси
Йигитова Зилола Мирзахмад кизи*

Аннотация: Ушбу мақолада сунъий интеллект технологияларининг таълим тизимига кириб келиши, унинг техникум ўқувчилари таълим жараёнидаги ўрни ҳамда ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, сунъий интеллектдан тўғри ва самарали фойдаланиш маданиятини шакллантиришнинг аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, таълим, техникум ўқувчилари, замонавий технология, рақамли платформалар, мустақил фикрлаш, таълим сифати, инновация.

Бугунги кунда таълим тизимида замонавий технологиялардан фойдаланиш янги босқичга чиқмоқда. Айниқса, сунъий интеллект имкониятлари техникум ўқувчилари ҳаётига жадал кириб келмоқда. Бу эса таълим жараёнида янги имкониятлар билан бирга, муайян муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Жумладан, Бешарик тумани 1-сон техникуми ўқувчилари ҳам турли рақамли платформалар ва сунъий интеллект дастурларидан фаол фойдаланмоқда. Улар қисқа вақт ичида реферат, иншо ва турли ёзма ишларини тайёрлаш имконига эга бўлмоқда. Бу, албатта, вақт тежаш ва керакли маълумотларни тез топиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ кузатувлар шуни кўрсатадики, барча ўқувчилар ҳам бу имкониятдан тўғри фойдаланмаяпти. Айрим ҳолларда тайёр матнлар тушунмасдан қабул қилинмоқда, мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш кўникмалари етарлича шаклланмай қолмоқда. Бу эса таълим сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай сунъий интеллект технологияси қанчалик ривожланган бўлмасин, у ўқитувчининг берган билим ва тарбиявий таъсирини тўлиқ алмаштира олмайди. Чунки ўқитувчи нафақат билим беради, балки ўқувчини мустақил фикрлашга, таҳлил қилишга ва касбий кўникмаларни шакллантиришга йўналтиради.

Шу нуқтаи назардан, техникум ўқувчиларида сунъий интеллектдан тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу технологиядан ёрдамчи восита сифатида фойдаланиш, олинган маълумотларни

таҳлил қилиш ва шахсий фикр билан бойитиш таълим самарадорлигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, сунъий интеллект — бу замонавий таълимнинг ажралмас қисми. Ундан самарали фойдаланиш эса ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигига, онгли ва масъулиятли ёндашувга боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси.—Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021.
2. Н.Н.Азизхўжаева Педагогик технология ва педагогик маҳорат.—Тошкент, 2016.
3. У.Толипова М.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Тошкент, 2017.
4. www.ziynet.uz